

Шавкат Мирзиёев ижтимоий муассасалардаги шароитларни кўздан кечирди



Мамлакатимизда «инсон қадри учун» деган тамойил асосида кучли ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда. Шу асосида таълим ва тиббий хизмат сифатини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Олмалиқ шаҳридаги 20-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби шундай масканлардан бири. Бу ерда математика, она тили, инглиз тили чуқурлаштириб ўқитилади.

Муассаса уч қаватли бўлиб, 1 минг 500 нафардан зиёд ўқувчига мўлжалланган. Жорий йилда мактаб биноси мукамал таъмирланган. 46 та синфхона, 3 та лаборатория ва фан хоналари замонавий жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитларни кўздан кечирди, мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашди.

- Ҳар дақиқа - бойлик. Бу бойликдан фойдаланиб, чуқур билим олишингиз керак. Мана, Олмалиқ комбинатининг қувватини ошираяпмиз, янги фабрикалар қураяпмиз. Уларда ким ишлайди? Сизлар! Ҳамма ислохотларимизнинг асоси, ишончи - билимли ёшлар, - деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Олмалиқ шаҳридаги оилавий поликлиникани ҳам бориб кўрди.

Мазкур поликлиника 1989 йилда қурилган бўлиб, 2017 йилда капитал таъмирланган. Бу ерда Олмалиқ шаҳар тез тиббий ёрдам бўлими, марказий шифохона, болалар шифохонаси, кўп тармоқли марказий поликлиника ҳам жойлашган. Бу тиббий хизматларни сифатли ва самарали кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда.

Президент талаб кўп бўлаётган йўналишларни туманлараро даражага тушириб, хизматларни аҳолига яқинлаштириш, эҳтиёжманд фуқаролар соғлиғини доимий назоратга олиб, инсон қадрини

амалда намоён қилиш зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда Тошкент вилоятида тиббиёт бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Шу ерда Олмалиқ шаҳрида қуриладиган “Янги Ўзбекистон” мавзеси ҳақида маълумот берилди. Яқин йилларда шаҳар аҳолиси 130 мингдан 200 мингга етиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари улар учун муносиб шароитлар яратишни ҳозирдан ўйлаш, уй-жой, ижтимоий инфратузилма барпо этиш кераклигини таъкидлаб, мутасаддиларга бу бўйича кўрсатмалар берди.







Манба